



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Коракалпоғистон Республикасы “Минтақавий
йұлдарга буюртмачи хизмати” ДУК директори в.в.б
Б.Балтабаев

2022 йил “/6/” ноябрь

Нұкус шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрь кунги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги

ПҚ-408 сонли қарорига асос Республика бюджети маблағлари ҳисобидан Қоракалпоғистон Республикасидаги ички йўлларини тўла ва жорий таъмирлаш ишлари бўйича 2022 йил учун лойиҳачи ташкилотларнинг таклифларини танлаб олиш бўйича ўtkazilgan xarid комиссиясининг **515-сонли йиғилиш**

БАЁННОМАСИ

Йиғилишда Қоракалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлдарга буюртмачи хизмати” ДУКнинг 2022 йил 01 мартағи 16-сонли буйруғи асосида тасдиқланган ҳарид комиссия аъзолари кўйидаги таркибда қатнашдилар:

Ҳарид комиссияси раиси:

Б.Балтабаев

-Қоракалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлдарга буюртмачи хизмати” ДУК директори в.в.б;

Ҳарид комиссияси аъзолари:

Р.Сарқытбаев

-Қоракалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлдарга буюртмачи хизмати” директор ўринбосари;

Т.Жанабаев

-Қоракалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлдарга буюртмачи хизмати” ДУК Лойиха таъминоти бўлими бошлиғи;

А.Нуржанов

-Қоракалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлдарга буюртмачи хизмати” ДУК бош ҳисобчиси;

Дж.Хожабаев

-Қоракалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлдарга буюртмачи хизмати” ДУК Техник кузатиш ва бажарилган ишларни қабул қилиш бўлими бошлиғи;

Комиссия котиби;

И.Мамбетов

-Қоракалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлдарга буюртмачи хизмати” ДУК Тендерларни ташкил этиш ва шартномалар бўлими бошлиғи

Кун тартибида

I. Кун тартибидаги масала юзасидан - Қоракалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлдарга буюртмачи хизмати” ДУКнинг директори в.в.б- комиссия раиси Б.Балтабаев Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги Давлат ҳаридлар тўғрисидаги 684-сонли Конунинг 58 моддасига асосан танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлаш бўйича ҳарид қилиш хужжатлари давлат буюртмачиси томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган

санадан камида беш иш куни Амударё тумани Бўз ёп ОФЙ худудидаги "Янги хаёт 1-участка, Янги хаёт 2-участка, Бўзариқ 1-участка, Бўзариқ 2-участка, Бўзариқ 3-участка" кучаларини жорий таъмиглаш ишларининг проект смета хужжатларини таерлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш маҳсус ахборот портали орқали 22110012179586 лот билан давлат ҳаридларининг электрон тизимига жойлаштирилди. Ушбу Қонун талабларига биноан Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йилда жорий, тўла таъмирланиши ва қуриш режалаштирилган ички йул ва кўприклардаги объектларининг йул қурилишида лаборатория хulosалари ва синов баённомалари учунбажарувчи ташкилотларининг энг яхши таклифларини белгиланган тартибда танланди ва бошқаҳеш қандай шикоят келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат ҳаридлар тўғрисидаги Қонун ва юқорида
кўрсатилган маълумотларди ҳисобга олиб Ҳарид комиссияси
Қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУКнинг режалаштирилган объектларининг йул қурилишида лаборатория хulosалари ва синов баённомалари учун танлаш хужжатларида ва танлаш шартлари буйича энг яхши таклифни тақдим қилган "**Нукус проект смета**" МЧЖ бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилсин.

2. Танлаш орқали ғолиб булган ташкилот танлаш шартлари асосида шартнома тузишни рад этган тақдирда шартнома тузиш ҳуқуқи таклифи бўйича энг яхши бўлган кейинги иштирокчига (резерв) берилади.

З Белгилаб кўйилсинки, энг яхши таклифлар танлаш ғолиби бўлган ташкилотлар ўз таклифларида кўрсатилган нарҳларда объектларнинг йул қурилишида лаборатория хulosалари ва синов баённомалари хужжатларини сифатли тартибда таёrlанишига масъул бўлган холдаобъектларни бошланғич нарҳларини жорий нарҳларда шакллантириш вазифаси ғолиб зиммасига юқлатилсин. Танлаш ўтказиш бўйича талабгорлар энг яхши таклифларини кўриб чиқиши ҳақидаги йигилиш баёни давлат ҳариди комиссияси аъзолари томонидан очик ҳал қилинди ва тўғри тузилган деб тан олинди.

Ҳариди комиссияси аъзолари:

Р.Сарқытбаев

Т.Жанабаев

А.Нуржанов

Дж.Хожабаев

И.Мамбетов

Комиссия котиби;

Лойиха-смета ишларини бажариш учун

66/2022-сонли ШАРТНОМА

Нукус ш.

16.11 2022 йил.

Бундан бүён Буюртмачи деб аталувчи "Қорақалпоғистон Республикаси Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК номидан Низом асосида иш юритувчи директор Б.Балтабаев ва бундан бүён "Бажарувчи" деб юритиладиган "NUKUS PROЕKT-SMETА" МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрадиган директори Айтъымбеков Д.Х. орқали куйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи топширади. Пудратчи эса Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Ўрта қала ОФЙ худудидаги "Миробод кучаси" кучасини жорий таъмирлаш ишларининг проект смета хужжатларини таерлаш ва муалифлик назоратини олиб боришни ўз зиммасига олади.

Буюртмачи: молиялаштиришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома лойиха-смета ишларини бажариш ва муалифлик назоратини олиб бориш билан боғлиқ ишларга тузилган.

1.3. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқариш шартнома разначиликдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи хужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси ҚҚС сиз 1 964 000 (бир миллион тўққиз юз олтмиш тўрт минг) сўмни ташкил қиласди.

2.2. Буюртмачи шартномани Газначиликдан рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб ўн банк кунида шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган хажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳақи ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳақи кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган қўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банқдаги барча турдаги ҳисоб-рақамларидан инкассо талабномаси кўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳақли.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида боскичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳисбот ҳужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган ҳисбот ҳужжатларини олган кунидан бошлаб 5 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисбланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Қорақолпоғисон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисбланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталарга Лойиҳа бўйича хulosса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисбланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласида ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларига давлат экспертиза хulosаси олиниб, ушбу давлат экспертиза хulosасига асосан шартнома баҳоси қўшимча келишув асосида ўзгартирилгандан сўнг Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси орқали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равища жалб қилиш ҳукуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва Нукус туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечикирилган хар бир кун учун 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим. Агар молиялаштириш манбай томонидан кечикирилган тақдирда буюртмачи жавоб бермайди.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечикирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича ҳисобга олишга хақли.

7.9. Шартномага куйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Лойиха ишларини аниклаш сметаси (2- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (3- илова)

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

Буюртмачи

Қорақалпоғистон Республикаси
“Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати”
ДУК

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй
ш/х: 301821860354017045203118008
ИНН 207255036 ОКЭД:71120
Молия Вазирлиги газначилиги
Р/с казн: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ш МФО 00014
ИНН 201122919

Директор

Б.Балтабаев



Юлия

Мадъа

У.Рахимов

Бажарувчи

“NUKUS PROEKT-SMETА” МЧЖ

Манзил: г.Нукус ул. Проектная Д.20/2
Тел: 90 723-90-09
Х/р: 2020 8000 7054 8632 9001
Нукус филиали «Капиталбанк» (АКБ)
МФО 01038 ИНН 309247555
ОКЭД:41100



Д.Айтымбеков

2022 йил “16” 11 даги
№66/2022-сонли шартномага 1-илова

Шартнома баҳосини келишуви

БАЁННОМАСИ

Биз, қуида имзо чекувчилар: Қарақалпогистон Республикаси Амударё тумани Ўрта қала ОФЙ худудидаги "Миробод кучаси" кучасини жорий таъмирлаш ишларининг проект смета хужжатларини таерлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш бўйича 2022 йил "16" 11 даги 66/2022-сонли шартнома баҳоси ҚҚС сиз 1 964 000 (бир миллион тўқиз юз олтмиш тўрт минг) сўмни ташкил қиласди.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро хисоб–китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

Буюртмачи

Қарақалпогистон Республикаси
“Минтақавий йўлларга буюртмачи
хизмати” ДУК

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй
ш/х: 301821860354017045203118008
ИНН 207255036 ОКЭД:71120
Молия Вазирлиги газначилиги
Р/с казн: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ш МФО 00014
ИНН 201122919



Директор

Б.Балтабаев

Бажарувчи

“NUKUS PROEKT-SMETА” МЧЖ

Манзил: г.Нукус ул. Проектная Д.20/2
Тел: 90 723-90-09
Х/р: 2020 8000 7054 8632 9001
Нукус филиали «Капиталбанк» (АКБ)
МФО 01038 ИНН 309247555
ОКЭД:41100



Директор

Д.Айтымбеков

2022 йил “16” 11 даги
№66/2022-сонли шартномага 2-илова

Смета хужжатларини аниқлаш қайдномаси ва бажариш календар режаси

- I. **Иш тури:** Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги мінтақавий йүлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таेरлаш ва муалифлик назоратини олиб бориш.
- II. **Буюртмачи:** “Қорақалпоғистон Республикаси Мінтақавий йүлларга буюртмачи хизматы” ДУК.
- III. **Бажарувчи:** “NUKUS PROEKT-SMETА” МЧЖ.

| № | Объектлар номи ва манзили | Лойиха құвваты, км/пм | ҚМІ минг.сум | ЛСХ минг.сум | Бажариш муддати |
|---|---|-----------------------|--------------|------------------|-----------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | Амударё тумани Ўрта қала ОФЙ ҳудудидаги "Миробод кучаси" кучасини жорий таъмирлаш ишларининг проект смета хужжатларини таेरлаш ва муалифлик назоратини олиб бориш | 0,865 | | 1 964,000 | 10 кун |
| | ЖАМИ | 0,865 | | 1 964,000 | |

Қайднома бўйича жами: **ҚҚС сиз 1 964 000 (бир миллион тўққиз юз олтмиш тўрт минг) сўм.**

Лойихачи:



Буюртмачи томонидан келишилди:

2022 йил “16” 11 даги
№66/2022-сонли шартномага 3-илова

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги мінтақавий йүлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таеरлаш ва муалифлик назоратини олиб бориш бўйича

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

| № | Бажариладиган ишларнинг номи | Қиймати | Бажариш | | минг.сўм Молияла штириш муддати 2022 йил |
|---|---|------------------|---------------------------|------------------|--|
| | | | муддати | қиймати | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | Аванс тўлови 30% | | | 589,200 | |
| 1 | Амударё тумани Ўрта қала ОФЙ ҳудудидаги "Миробод кучаси" кучасини жорий таъмирлаш ишларининг проект смета хужжатларини таеरлаш ва муалифлик назоратини олиб бориш | 1 964,000 | 2022 йил <i>Ноябрь</i> | 1 374,800 | <i>Моябрь</i> |
| | ЖАМИ | 1 964,000 | | 1 964,000 | |



